

**ЎЗБЕКСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ ЖОҚАРЫ ҲӘМ ОРТА АРНАЎЛЫ  
БИЛИМЛЕНДИРИЎ МИНИСТРЛИГИ**

**БЕРДАҚ АТЫНДАҒЫ ҚАРАҚАЛПАҚ МӘМЛЕКЕТЛИК  
УНИВЕРСИТЕТИ**



**ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ**

«Оролбуйи аҳолиси турмуш фаравонлигини оширишда инвестицион жозибадорликнинг аҳамияти» мавзусидаги Республика илмий–амалий видеоконференциясининг

**ТЎПЛАМИ**

**2020 йил 10-апрел**

«Арал бойы халықлары турмысы абаданлығын асырыўда инвестициялық тартымлылықтың әҳмийети» атамасындағы Республикалық илимий - әмелий видеоконференциясының

**ТОПЛАМЫ**

**2020-жыл 10-апрель**

**Нөкис 2020**

turizm ham rivojlana boshlamoqda. Hammamizga ma'lumki, bu yerda Orol dengizi joylashgan. Orolbo'yi mintaqasida ekologik va ijtimoiy-iqtisodiy vaziyatni, aholining yashash sharoitlarini yaxshilashga, Orol dengizining ekologik falokati oqibatlarini yumshatish bo'yicha investitsiya loyihalarini o'z vaqtida va samarali ro'yobga chiqarishga yo'naltirilgan chora-tadbirlar kompleksini amalga oshirish maqsadida: Orolbo'yi mintaqasi aholisining turmush sharoitlari va sifatini yaxshilashga yo'naltirilgan 2017 - 2021-yillarda Orolbo'yi mintaqasini rivojlantirish Davlat dasturiga muvofiq tasdiqlansin, unda quyidagilar nazarda tutiladi:

- yangi ish joylarini yaratish, aholi bandligini ta'minlash, shuningdek mintaqaning investitsiyaviy jozibadorligini yaxshilash borasidagi kompleks chora-tadbirlarni amalga oshirish;

- suv ta'minoti tizimini rivojlantirish va aholining toza ichimlik suvi bilan ta'minlanish darajasini oshirish, kanalizatsiya, sanitariya va maishiy chiqindilardan foydalanish tizimlarini yaxshilash;

- mintaqada sog'liqni saqlash tizimini yanada rivojlantirish va aholi genofondini asrash tadbirlarini amalga oshirish;

- mintaqahohli punktlarining transport, muhandislik va kommunikatsiya infratuzilmasini rivojlantirish, sug'orish va tashqi yoritish tarmoqlarini takomillashtirish, Nukus va Urganch shaharlarining zamonaviy energiya tejaydigan texnologiyalarni joriy etgan holda issiqlik ta'minoti tizimlarini yaxshilash.<sup>7</sup>

Qoraqalpog'iston Respublikasi mintaqalarini kompleks rivojlantirish dasturlarini amalga oshirish orqali 14,6 mingta, shu jumladan: sanoatda - 8,2 ming, xizmatlar va servisdan - 3,8 ming, qishloq xo'jaligida - 2,6 ming doimiy yangi ish o'rinlarini yaratish. Shu kabi ishlarni amalga oshirish infratuzilmalarini yaratish turizm sohasida tahsil olayotgan va faoliyat olib borayotganlar zimmasida turibdi. Qanday qilib investitsiya jalb qilish, mavjud resurslardan to'g'ri va oqilona foydalanish va zaruriy infratuzilmani ishlab chiqa olish lozim. Buning uchun albatta, yaxshi va malakali kadr bo'lish, chet ellar bilan ko'proq tajriba almashish, ularning infratuzilmalarini o'rganib, o'zimizga mos va hududimiz salohiyatidan kelib chiqqan holda amalga oshirishimiz kerak bo'ladi.

Xulosa qiladigan bo'lsak, bugungi kunda turizm va xizmat ko'rsatish sohasining har bir mamlakat hududida rivoj topishi uchun nafaqat mavjud resurslardan, balki investitsiyalar jalb qilish orqali ham rivojlantirish maqsadga muvofiq bo'ladi.

## **АГРАР СЕКТОРДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

*Дусмуратов Ғанийбай Давлетбаевич, и.ф.н., доцент,*

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти*

Қишлоқ хўжалигини илмий асосланган ҳолда ривожлантириш кўп ҳолларда аграр иқтисодиётнинг барқарор ўсиш траекториясига чиқиши учун давлат ва тадбиркорлик ресурсларидан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Тадбиркорлик структуралари ва ҳокимият

---

<sup>7</sup> Президент Ш.Мирзиёев, Тошкент ш 2017-йил 18-январ PQ 2731-сон

органлари ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни шакллантиришнинг зарурияти қишлоқ хўжалигининг стратегик аҳамиятга эга бўлган ўзига хос хусусиятидан келиб чиқади. Унинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарур. Қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик структуралари фаолиятининг иқтисодий натижаларини баҳолаш кўрсатиб турибдики, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш АСМнинг ишлаб чиқариш-техник салоҳиятини инновацион технологияларни ва юқори унумли техникаларни жорий этиш асосида нуқтали тиклашга имкон берди ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг алоҳида турларини ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришни таъминлади.

Шунинг билан бирга, бозор ислохотлари жараёнида тадбиркорларга ўз фаолиятини амалга ошириш усули ва шаклини танлаш эркинлиги тақдим этилди.

Бу агробизнес субъектларидаги каби жамият, давлат ва ўз ходимлари олдида ижтимоий жавобгарликнинг пасайишида ва кўпчилик ҳолларда таъсир этишнинг маъмурий чоралари билан чекланган, бунда аграр тадбиркорларни социаллаштиришга имкон берадиган мотивацион механизмдан фойдаланмасдан давлат томонидан тартибга солишда ифодаланувчи приоритетларини алмаштиришга олиб келди. Бу энг аввало қишлоқ ҳудудларининг ижтимоий вазифаларини ҳал этишда аграр тадбиркорликнинг ролини ва имкониятларини етарлича баҳоламаслик оқибатида юзага келди. Кейинроқ давлат қишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал этишни, бунда бу муаммолар қайси ресурслар билан ҳал этилиши борасида умуман ташвишланмасдан, қишлоқ тадбиркорлари зиммасига юклашга уриниб кўрди.

Айниқса шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ҳаёт даражаси ва сифати ўртасида мувозанатни сақлаш учун қишлоқ ҳудудлари ижтимоий инфраструктурасини шакллантириш ва такомиллаштириш масалалари кескин бўлиб турибди.

Аграр секторда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларини шакллантириш ва такомиллаштириш масалалари ҳал этилмасдан қолмоқда. Ўйлаймизки, мазкур ва бўлғуси муаммоларни ҳал этишга аграр тадбиркорликни шакллантириш ва самарали фаолият кўрсатиши учун қулай тадбиркорлик муҳитини ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, илмий-техник, ижтимоий таъминлаш асосида тадбиркорлик ва ҳокимият структураларининг давлат ва маҳаллий даражадаги ўзаро алоқаси тизими имконият беради.

Аграр тадбиркорлик ва давлат ўзаро алоқаси деганда биз ихтиёрийлик, жавобгарлик ва самарадорлик принципларида аграр иқтисодиёт ва қишлоқ ҳудудларининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишини таъминлаш бўйича мақсадларга балансли эришиш мақсадида аграр тадбиркорлик ва давлатнинг ташкилий-ҳуқуқий, молиявий-иқтисодий ва ижтимоий муносабатлари йиғиндисини тушунамиз.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш ва экспортга йўналтиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Мева-сабзавот маҳсулотларига ички ва ташқи бозода талаб юқори эканлигидан ҳамда мазкур соҳани ривожлантириш бўйича яратилган шароитлардан келиб чиққан ҳолда тармоқ олдида бажарилиши лозим бўлган улкан вазифалар турибди. Бугунги кунда мева-сабзавот

махсулотлари етиштириш хажмларини кўпайтириш, қишлоқ хўжалигида экспортбоп махсулотлар етиштириш хажмларини ошириш, умуман мазкур сохани ривожлантиришда Хукуматимиз томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Аграр тадбиркорлик ва давлат ўзаро самарали алоқасини ўрнатиш учун ижтимоий-иқтисодий, инновацион, экологик сиёсатнинг устивор йўналишларини ҳамкорликда аниқлаш зарур. АСМда ўзаро иқтисодий алоқалар иқтисодиёт барча тармоқлари фаолияти самарадорлигини оширишни ва қишлоқ аҳолисининг юқори даромадини таъминлашни назарда тутлади.

Аграр тадбиркорлик структуралари давлат томонидан қуйидаги шаклларда қўллаб-қувватлашни кутади:

- молиялаштириш, имтиёзли кредитлаш, субсидия бериш, технопарклар, бизнес-инкубаторлар ташкил этиш;

- маъмурий тўсиқларни қисқартириш (текширишлар сонини тартибга солиш, бизнесни очиш ва юритиш таомилларини соддалаштириш ва бошқалар);

- давлат буюртмаларини бажариш имконини таъминлаш (давлат, маҳаллий эҳтиёжлар учун товарлар етказиб беришга, ишларни бажаришга ёки хизматлар кўрсатишга контракт тузиш), кафилик, грантлар тақдим этиш.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда қуйидаги йўналишларда қарорлар қабул қилинди:

- қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш;

- боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини ҳамда мева-сабзавот кластерларини қўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш;

- интенсиф боғ ва тоқзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида бериш;

- қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш;

- мева-сабзавот махсулотлари экспортёрларининг қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларини мева-сабзавот махсулотларини ишлаб чиқаришнинг янги технологияларига ўргатиш, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларининг ерларида агротехник тадбирлар мониторингини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари томонидан ишлаб чиқариладиган мева-сабзавот махсулотларининг ташқи бозорларида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш билан боғлиқ харажатларининг 50 фоизини қоплаш учун субсидиялар тақдим этиш.

Аграр тадбиркорлик ва бошқарув органларини ўзаро боғлайдиган умумий бир ҳолат қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришни стратегик режалаштиришга, барча даражадаги бюджетларни тўлдириш, АСМни модернизациялаш ва инновацион ривожлантириш тегишли бўлиши мумкин, бунда барча хўжалик юритиш шаклларида қўллаб-қувватлаш кўрсатилиши назарда тутилади.

17. <b>Yegenbayeva A., Baltasheva Z.A.</b> Orolbo'yi mintaqasida xizmat ko'rsatish sohalarini rivojlantirishda investitsiyalarning ta'siri .....	46
18. <b>Дусмуратов Ғ.Д.</b> Аграр секторда давлат-хусусий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари .....	48
19. <b>Ережепова Ж., Жамалова Г., Уразбаева Л.</b> Иностранные инвестиции в экономике республики каракалпакстан .....	51
20. <b>Абдуллаев Ж.А.</b> Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклиги (ДХШ)ни шаклланиш тенденциялари.....	54
21. <b>Қайпназарова Г.Х.</b> Киши бизнес ҳам исбилерменликти раўажландырыўда инновациялық потенциал ҳам инвестициялық активликти арттырыў.....	57
22. <b>Қалмуратов Б.С.</b> Экономиканы модернизациялаў шараятында аймақтың санаат тараўын инновациялық раўажландырыўды басқарыў концепциясының тийкарғы бағдарлары .....	59
23. <b>Қалмуратов Б.С., Базарбаев К.Э.</b> Саноат тармоқларини инновацион-инвестицион ривожлантириш асосида иқтисодий ўсишни таъминлаш .....	61
24. <b>Нуримбетов Р.И., Матризаева Д.Ю.</b> Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар .....	64
25. <b>Матризаева Д.Ю.</b> Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини бошқариш масалалари.....	67
26. <b>Маденова Э.Н.</b> Минтақаларнинг комплекс ривожлантиришга таъсир қиладиган омиллари.....	69
27. <b>Атаев Ж.Э.</b> кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни макроиқтисодий кўрсаткичларни шакллантиришдаги роли .....	72
28. <b>Сабиров Р.</b> Орол бўйи минтақасида хизмат кўрсатувчи АН-2 самолётини иқтисодий самарадорлигини ошириш.....	74
29. <b>Сарсенбаев Б.А.</b> Балиқ маҳсулотлари бозорида маркетинг режаси ишлаб чиқиш .....	76
30. <b>Султанов А.С.</b> Уй-жой фондини бошқаришда инновацион ёндашув.....	80
31. <b>Ташпулатов А.</b> Рақамли иқтисодийёт шароитида меҳнат бозори кўрсаткичларини прогнозлаштириш масалалари.....	82
32. <b>Глеуов Н.Р., Рахманова А.Н.</b> Қорақалпоғистон Республикаси озик-овқат саноатини экологик муаммоларни ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари.....	85
33. <b>Глеуов Н.Р., Рахманова А.Н.</b> Қорақалпоғистон Республикаси озик-овқат саноати ташкилий-таркибий тузилмасини такомиллаштириш ва уни ривожлантириш истиқболлари .....	86